



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ФАОЛИЯТИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИ

Хусанов Анвар Джумабаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-
криминалистика бош маркази катта эксперти,
ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18595513>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-fevral 2026 yil
Ma'qullandi: 07-fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 10-fevral 2026 yil

KEYWORDS

эксперт-криминалистика
фаолияти, суд эксперти,
хулоса.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт-криминалистика фаолияти учун кадрлар тайёрлаш жараёнининг замонавий технологиялардан фойдаланиш, яқин ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги фаолияти қисқача сарҳисоб қилиниб, амалга оширилган ислохотлар ҳамда ушбу жараёнда юзага келаётган айрим муаммоли ҳолартларнинг таҳлили ва уларнинг ечимига қаратилган асослантирилган таклифлар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида эксперт-криминалистика фаолиятида замонавий инновацион технологиялар тўғрисида сўз борар экан, Президент Ш.М.Мирзиёевнинг "...бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак"[1] деган мазмундаги фикрларини келтириб ўтмасликнинг имкони йўқ. Зеро, ҳозирги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида юксак салоҳиятли, билимли, масъулиятли, рақобатбардош кадрларни етиштириш ҳар қачонгидан долзарб масалага айланган.

Шу сабабдан бўлса керак бугунги кунга келиб барча соҳалар ўзлари учун етук малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига ниҳоятда катта аҳамият қаратишмоқда. Соҳа учун етук малакали кадрлар тайёрлаш масаласига бугун барча соҳалар сингари, Ички ишлар органларида жуда катта аҳамият қаратилмоқда.

Сўнги йилларда Ички ишлар органларини ҳар жиҳатдан профессионал кадрлар билан таъминлаш борасида янги босқичга қадам қўйилди. Ички ишлар вазирлиги Академияси бу борада республикамизнинг етакчи олий таълим муассасаси саналади.

Бугунги кунга келиб, мазкур ўқув даргоҳида кадрларни тайёрлаш, касбий тайёрлаш ва малакасини оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар қилинди. Бироқ, мамлакатимизда кечаётган шиддатли янгиланишлар жараёнида таълим самарадорлигини тубдан такомиллаштириш, ёш кадрларнинг касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам долзарб вазифага айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, болалигидан касбга йўналтириш, юқори малакали

хуқуқшунос сифатида тайёрлаш мақсадида ихтисослашган мактаб-интернат, идоравий академик лицейлар ташкил қилиниб, таълимнинг узлуксиз жараёни йўлга қўйилган бўлса, Ички ишлар вазирлиги Академияси фаолияти миллий ва халқаро тажрибанинг илғор ёндашувлари асосида тубдан такомиллаштирилди [2].

Бугунги кунда академияда бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли олий таълим тизими жорий қилинган. Бакалаврият босқичи 9 та ихтисослик йўналишини ўз ичига олиб, унда курсантлар модулли тизим асосида таълим олади. Ўқув жараёнларининг 60 фоизи назария, қолган 40 фоизи амалиётга қаратилган бўлиб, курсантлар биринчи курсдан бошлаб мутахассислик, юридик, жанговар ва жисмоний билим ҳамда кўникмаларни ўзлаштириб боради [2].

Юқорида таъкидланганидек, ИИБ Академияси бакалаврият босқичида жами 9 та ихтисослик бўйича курсантлар тайёрланади. Ана шу ихтисослик йўналишларидан бири бу Эксперт-криминалистика фаолияти ҳисобланади. Мазкур ихтисослик йўналиши Ички ишлар органлари Эксперт-криминалистика бўлинмалари учун етук малакали кадрлар тайёрлашга мўлжалланган бўлиб, унда курсантлар эксперт-криминалист ходим бўлиш учун 3 йил давомида таҳсил олишади.

Мазкур ихтисослик йўналиши тўғрисида фикр юритишдан олдин дастлаб эксперт-криминалистика фаолияти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Маълумки эксперт-криминалист бу – аввало эксперт бўлиб, суд тергов амалиётида юзага келган тор доирадаги қатор муаммоли саволларга жавоб беради [3]. Қонунчилик ҳужжатларимизда эксперт бу хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс деган мазмунда таъриф берилган [4]. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, эксперт-криминалист бу суд экспертидан нисбатан кенг тушунчадир.

Зеро, эксперт ёхуд суд эксперти фақатгина суд экспертиза тадқиқотини ўтказувчи ва хулоса берувчи шахс сифатида таърифланган бўлса, эксперт-криминалистнинг вазифаси бундан анча кенг ҳисобланади. Ушбу соҳа ходимларининг содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишда, бир сўз билан айтганда одил судловни таъминлаш жараёнидаги ўрни ниҳоятда юқори ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам мазкур фаолиятга сўнги йилларда давлат раҳбари даражасида аҳамият берилмоқда. Фикримизнинг исботи тариқасида, 2022 йил 8 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сонли қарорини келтириб ўтиш мумкин.

Айни мазкур қарор Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини ривожланишида туб ўзгариш ясади. Ушбу қарорда Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида баён этилиши билан бирга, кадрлар тайёрлаш жараёнига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Хусусан, ушбу қарорнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида низом деб номланган биринчи иловасининг 5-боби айнан Эксперт-криминалистика бўлинмаларида кадрлар билан

ишлаш қоидалари деб номлангани ҳолда, криминалистика кадрлар билан ишлаш жараёнининг барча жиҳатлари ёритиб ўтилган.

Ушбу қарорда криминалистика бўлинмаларининг офицер таркибидаги барча раҳбар ва ходимлари белгиланган тартибда ички ишлар органлари ваколатли раҳбарлари томонидан Бош марказ билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилишининг белгилаб қўйилганлиги[5], тизимдаги энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланган ходимлар қўнимсизлигига қайсидир маънода барҳам берди.

Бундан ташқари тизим учун ҳақиқий профессионал ва малакали кадрларни танлаш борасида ҳам жуда катта қадам ташланган бўлиб, мазкур қарор билан Эксперт-криминалистика бўлинмаларининг офицер таркибидаги лавозимларига фақат ИИБ Академиясининг, Криминалистик экспертизалар кафедрасида “эксперт-криминалистика фаолияти” мутахассислигини тамомлаганлиги ёки хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларига халқаро шартнома асосида юборилиб, криминалистика йўналишида таълим олганлиги тўғрисидаги дипломга ёхуд эксперт-криминалистика фаолиятини амалга оширишга рухсатномага эга бўлган номзодлар тайинланиши белгилаб қўйилди [5].

Энг қувонарли жиҳатларидан бири шундаки, юқоридаги қоидага асосан Эксперт-криминалистика бўлинмаларининг офицер таркибидаги лавозимларига фақат ИИБ Академиясининг «эксперт-криминалистика фаолияти» мутахассислигини тамомлаган ходимларнинг тайинланиши қоида тариқасида белгилаб қўйилиши бу Эксперт-криминалистика фаолияти битирувчиларига берилган жуда катта баҳодир.

Шу ўринда бугунги кунга келиб, ИИБ Академияси ушбу эътирофга қанчалик лойиқ? деган ўринли савол юзага келиши мумкин. Ушбу саволга эса ҳеч бир иккиланмасдан ИИБ Академияси ушбу эътирофга тўлиқлигича ҳақли деб жавоб бериш мумкин. Зеро, бугунги кунга келиб ИИБ Академияси Эксперт-криминалистика фаолияти учун кадрлар тайёрлашга бевосита масъул кафедра ҳисобланган Криминалистик экспертизалар кафедраси базасида нақд 4 та энг замонавий ўқув- криминалистик лаборатория ва 1 та мобиль криминалистик лабораториялар мавжуд.

Эксперт-криминалистика фаолиятида таҳсил олувчи курсантлар бундан 7-8 йил муқаддам 3 та криминалистик экспертиза (трасологик дактилоскопик ва баллистик) экспертизалар бўйича ўқитилиб таълим берилган бўлса, бугунги кунга келиб бу экспертиза турлари 2 баробардан ошиб нақд 7 тага етди. Бугунги кунда курсантлар дактилоскопик, трасологик, баллистик, совуқ қуроллар, портрет, хатшунослик ва ҳужжатларнинг техник экспертизалари бўйича таҳсил олишади, бундан ташқари рақамли экспертиза фани ҳам йўлга қуйилди.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларида эксперт-криминалистика фаолияти фанини ўқитишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самараси, ўз урнида “Эксперт-криминалистика фаолияти”да юқоридаги каби амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, фаолият учун етук малакали кадрлар тайёрланишига ўзининг ижобий ҳиссасини қўшиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиёт:

1. <https://kun.uz/49152969>

2. Ж.Холов “Салоҳиятли кадрлар ислоҳотлар тақдирини белгилайди”
<https://akadmvd.uz/uz/news/salohiyatli-kadrlar-islohotlar-taqdirini-belgilaydi>
3. <https://www.profguide.io/professions/kriminalist-expert.html>
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-549-сон 2010 йил 1 июнь
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ПҚ-122-сон 2022 йил 8 февраль.

